O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI
SHEROBOD TUMANI
HOKIMINING
Q A R O R I

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ
РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
ШЕРАБАДСКОГО РАЙОНА

2020 y « 28 » **апрель** № **К-818** « » 20 г

Туманда махсус техникалар орқали истеъмолчиларга тоза ичимлик суви етказиб бериш чора-тадбирлари тўғрисида

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг 6,25-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган "Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқава сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш" Қоидаларининг 118-бандига мувофик, истеъмолчиларга махсус техникалар орқали тоза ичимлик суви етказиб бериш хизмати учун тўловлар таърифларини белгилаш максадида,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Марказлаштирилган коммунал сув тармоғидан таъминлаш имконияти бўлмаган пунктлар аҳолиси (истеъмолчилари)га махсус техникалар орқали тоза ичимлик суви етказиб берилсин.

2. Сурхондарё вилоят "Сувоқава" МЧЖ Шеробод туман филиали марказлаштирилган коммунал сув тармоғидан таъминлаш имконияти бўлмаган пунктларга махсус автотранспорт ёрдамида тоза ичимлик сувини етказиб берувчи масъул ташкилот килиб белгилансин.

3. Сурхондарё вилоят "Сувоқава" МЧЖ Шеробод туман филиали томонидан аҳоли (истеъмолчилари)га махсус техникалар орқали тоза ичимлик суви етказиб бериладиган худудлар, ичимлик суви миқдори, муддати ва етказиб бериш хизмати учун тўловлар тарифлари нархларни тартибга солувчи орган билан келишилган ҳолда иловага мувофик тасдиқлансин.

4. Сурхондарё вилоят "Сувоқава" МЧЖ Шеробод туман филиалига:

ичимлик сувини белгиланган тартибда шартнома асосида махсус автотранспорт воситалари орқали ўз вақтида, тўлик етказиб берилишини;

истеъмолчиларга етказиб берилган ичимлик суви бўйича ҳисоб-китобларни белгиланган тартибда ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш топширилсин.

5. Туман ҳокимлиги ахборот матбуот котиби (А.Мамаюсупов) ва "Шеробод ҳаёти" газетаси таҳририяти (Э.Тураев)га мазкур норматив ҳуқуқий ҳужжатни "Шеробод ҳаёти" газетасида чоп этилиши ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини, электрон шаклда бир кунлик муддатда ижрочилар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига етказилишини ташкиллаштирсин.

6. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари У.Сувонов зиммасига юклатилсин.

Ҳоким **А.Амиров**